

# ШАРТНОМА №1/05

2022й. «19» «май

Фаргона ш.

«"SAARS F-CO" МЧЖ» (кейинги ўринларда «Сотувчи» деб аталади) номидан раҳбар Р.М.Исмоилов биринчи томон ва иккинчи томон Ўзбекистон Республикаси Қонунчилиги ҳамда ўз Низомига асосан фаолият юритувчи Фаргона "Шифо тез ёрдам автокорхонаси директори В.М.Убайдуллаев (келгусида "Ҳаридор" деб аталади) ўрталарида қуйидаги мақсадларда тузилди.

## 1. Шартнома предмети.

1.1. «Сотувчи» «Ҳаридор»га қуйидаги маҳсулотларни етказиб беради: авто эҳтиёт қисм

1.2. Мазкур шартноманинг умумий қиймати 255 700 000 (икки юз эллик беш миллион етти юз минг) сўмни ташкил қилади.

1.3. Маҳсулотлар қуйидаги ассортиментда етказиб берилади:

№	Маҳсулот номи	У.б	Миқдори	Нарҳи	Суммаси
1	Дамас тез ёрдам автотранспорт воситаси учун 65 талик газ баллон	ШТ	56	4 350 000	243 600 000
2	Кобалт махсус автотранспорт воситаси учун 90 талик газ баллон	ШТ	1	6 050 000	6 050 000
5	Нексия махсус автотранспорт воситаси учун 90 талик газ баллон	ШТ	1	6 050 000	6 050 000
	<b>Жами</b>		58		255 700 000

## 2. Ҳисоб-китоб шартлари.

2.1. Олинган маҳсулотлари учун келишилган нарҳда ҳисоб-китоб қилинади.

2.2. «Сотувчи» маҳсулотни етказиб бергандан сўнг, ўзаро солиштирув далолатномаларига асосан, етказиб берилган маҳсулот қиймати учун «Ҳаридор» га пул ўтказиш йўли билан тўловни амалга оширади. "Ҳаридор" олдиндан 30% тўловини амалга оширади, ҳамда тўлиқ ҳисоб-китоб 10-кун ичида амалга оширилади.

2.3. Маҳсулотлар учун нарх ўзаро келишилган ҳолда белгиланади. Бунда ўша кунга ҳудуддаги ўртача бозор нарҳлари, консалтинг фирмалар ҳулосалари асосида тақдим этилган нарҳлар асос қилиб олинади. Агар Давлат назорат органлари томонидан ўтказилган текшириш ва тафтиш ишлари натижасида етказиб берилган маҳсулотларига белгиланган нарҳлар юқори деб топилса, Ушбу фарқ «Сотувчи» зиммасидан қопланади.

## 3. Маҳсулот етказиб бериш.

3.1. «Сотувчи» шартномада белгиланган маҳсулотларни иловадаги тақсимотномага асосан бюджет муассасаларининг манзилгоҳларига белгиланган муддатларда етказиб беради

## 4. Томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари.

4.1. «Сотувчи» «Ҳаридор» томонидан юборилган вакил, муассаса раҳбари ва бош ҳисобчи томонидан имзоланган, ҳамда юмалоқ муҳр босилган ишонч қоғози кўрсатгандан сўнг маҳсулот беради.

4.2. «Сотувчи» маҳсулотни сифатини тасдиқловчи ҳужжат (мувофиқлик сертификати ва хоказолар) ларга асосан маҳсулотни жойларга етказиб беришга қафолат беради.

4.3. «Сотувчи» ҳужжатлар тўғри расмийлаштирилишини ўз зиммасига олади ҳамда маҳсулотларни сектор қошида белгиланган таркибдаги тузилган сифат комиссияси далолатномаси ва эҳтиёж тақсимотига асосан Ҳаридор манзилгоҳига етказиб беради.

4.4. «Ҳаридор» шартномада кўрсатилган маҳсулотни сифати талабга жавоб берган ҳолатдагина уни қабул қилиб олади.

4.5. «Ҳаридор» қабул қилиб олган маҳсулотни шартнома талабларига номувофиқлигини аниқлаган ҳолда, «Сотувчи»га ёзма далолатнома (АКТ) юборади, ҳамда сифатсиз деб топилган маҳсулотни "Сотувчи"га қайтариб беради.

4.6. «Сотувчи» «Ҳаридор»га унинг ишонч қоғозидида қайд қилинган маҳсулотлар беради. Агар «Сотувчи» томонидан «Ҳаридор»нинг ишонч қоғозидида кўрсатилмаган маҳсулотларни, ёки маҳсулотларни ишонч қоғозидида белгиланган миқдоридан ортиқ берган ҳолларда, бу маҳсулотлар учун "Ҳаридор" томонидан ҳақ тўланмайди.

4.7. «Сотувчи» томонидан «Ҳаридор»га сифатсиз ёки сертификатсиз маҳсулотларлар етказиб берилса, бу маҳсулотлар «Сотувчи»га қайтариб берилади ёки бу маҳсулотлар учун ҳақ тўланмайди.

4.8. «Сотувчи» етказиб берган маҳсулотларини ҳисоб-варақларда тўлиқ ва аниқ номини, маҳсулот навини, категориясини ва бошқа кўрсаткичларини кўрсатиши шарт. Шунингдек, ҳисоб-варақларни белгиланган тартибда рақамлаб, тўлиқ расмийлаштириши шарт. Тўлиқ расмийлаштирилмаган ҳамда маҳсулотнинг сифати, нави ва категориялари кўрсатилмаган ҳисоб-варақлар бўйича тўлов амалга оширилмайди.

## 5. Жарималар қўлланилиши.

5.1. Агар «Сотувчи» томонидан «Ҳаридор»га сифатсиз, ёки сақлаш муддатлари ўтиб кетган маҳсулотларни етказиб келган ҳолда «Ҳаридор» «Сотувчи»дан бундай маҳсулотларнинг умумий қийматидан 50 %, лекин



шартноманинг 1.2 бандида кўрсатиб ўтилган суммасининг 50 % дан ошмаган ҳолда жарима қўллаб қонунчиликда белгиланган тартибда ундириб олинади.

5.2. Агар «Сотувчи» томонидан «Ҳаридор»га белгиланган маҳсулотлар белгиланган муддатларида етказиб келмаса, «Сотувчи» муддати ўтган маҳсулотларни умумий қийматини 0,5% ҳар бир муддати ўтган куни учун «Ҳаридор»га жарима тўлайди.

5.3. Жарималар тўланиши «Сотувчи»ни шартномада белгиланган мажбуриятларини бажаришдан озод этмайди.

#### 6. Шартнома муддати.

6.1. Шартнома ҳар иккала томон имзолагандан ва Ҳазначилик бўлинимаси томонидан тасдиқлангандан сўнг кучга киради.

6.2. Шартномадаги белгиланган маҳсулотларни етказиб бериш муддати шартнома имзолангандан сўнг 5 кун

6.3 Шартномадаги белгиланган маҳсулотларни етказиб берилгандан сўнг етказиб берилган маҳсулотларнинг тўловини амалга ошириш муддати 2022 йил 31 декабргача.

6.4. Шартнома томонлар келишувига асосан, «Сотувчи» томонидан етказиб берилган маҳсулот «Ҳаридор» томонидан сифатсиз деб топилганда ва «Сотувчи» томонидан мазкур шартноманинг 4.1; 4.2; 4.3-бандлари бажарилмаганда шартнома «Ҳаридор» томонидан бир томонлама бекор қилиши мумкин. Бекор қилинганлиги тўғрисида "Ҳаридор" "Сотувчи"га ёзма равишда асосларни келтирган ҳолда хат билан маълум қилади.

#### 7. Форс-мажор ҳолатлари.

7.1. Шартнома бўйича тарафлар ўртасида пайдо бўладиган барча низолар келишмовчиликлар томонлар ўртасида музокара йўли билан, ҳал қилиб бўлмаса Иқтисодий судлар орқали ҳал этилади.

7.2. Табиий офатлар, уруш ва оммавий тартибсизликлар сабабли шартнома шартлари бажарилмаса томонлар мулкий жавобгарликдан озод этилади.

#### 8. Қўшимча шартлар.

8.1. Шартнома юзасидан келиб чиққан низолар ўзаро ҳал қилинади. Ўзаро ҳал қилинмаган тақдирда Ўзбекистон Республикаси қонунарига асосан Иқтисодий судлар орқали ҳал қилинади.

8.2. Шартнома икки нусхада тузилиб, ҳар бир нусхаси тенг юридик кучга эга бўлиб, томонларда бир нусхадан сақланади.

8.3. Шартномага барча ўзгартиришлар иккала томон келишилган ва шартномага қўшимча битим имзоланган ҳолда қонуний деб ҳисобланади.

#### «СОТУВЧИ»

Етказиб берувчи: ««SAARS F-CO" МЧЖ

Манзили: ферг.об.349

Тел: 936082647

Хисоб варағи: 2020 8000 6055 2159 8001

Банк номи: \*ASIA ALLIANCE BANK" АТБ Фарона филиали

МФО: 01173

СТИР: 309508031

РАХБАР: \_\_\_\_\_ Р.М.Исмоилов



#### «ҲАРИДОР»

Ҳаридор: Фаргона "Шифо тез ёрдам автокорхонаси

Манзили: Фаргона ш. Худойбердиева (Табобат) к-си 24

Тел: 732260126

х-в: 100021860304017072301054003

СТИР: 204812365

Ҳисоб варақ 23402000300100001010

МФО 00014

Марказий Банк Тошкент ХККМ

Молия Вазирлиги Ҳазначилиги



Директор  
М.У.

В.М.Убайдуллаев  
(Ф.И.О)

Р.Исмоилов